



TIAME
NRU

XOTIN-QIZLAR
HIMAYINI QO'LG'ILAR
BAG'HSIZI KONGRESSI



O'ZBEKISTON
GENDER
KOMISSIYASI



BRITISH
COUNCIL



Уральский
федеральный
университет
имени первого Президента
России Е.И. Ельцина



AUEZOV
UNIVERSITY
1945



BUCHEON
UNIVERSITY
IN TASHKENT



O'ZBEKISTON
YOSHLAR
ITTIFOQI

**“TOSHKENT IRRIGATSIYA VA QISHLOQ XO‘JALIGINI MEXANIZATSIYALASH
MUXANDISLARI INSTITUTI” MILLIY TADQIQOT UNIVERSITETI**

O‘ZBEKISTON DAVLAT JAHON TILLARI UNIVERSITETI

O‘ZBEKISTON XOTIN-QIZLAR “OLIMA” UYUSHMASI

TADQIQOT.UZ XALQARO ILMIY JURNALLAR PORTALI



**4 MART
2022 YIL**

XALQARO ILMIY-AMALIY ONLAYN
KONFERENSIYA MATERIALLARI

**XOTIN-QIZLARNI TAZYIQ VA
ZO‘RAVONLIKDAN HIMOYA QILISHNING
MA‘NAVIY-HUQUQIY ASOSLARI**



TOSHKENT -2022



**“TOSHKENT IRRIGATSIYA VA QISHLOQ XO‘JALIGINI
MEXANIZATSIYALASH MUXANDISLARI INSTITUTI”**

MILLIY TADQIQOT UNIVERSITETI

O‘ZBEKISTON DAVLAT JAHON TILLARI UNIVERSITETI

O‘ZBEKISTON XOTIN-QIZLAR “OLIMA” UYUSHMASI

TADQIQOT.UZ XALQARO ILMIY JURNALLAR PORTALI

XOTIN-QIZLARNI TAZYIQ VA ZO‘RAVONLIKDAN HIMOYA QILISHNING MA’NAVIY-HUQUQIY ASOSLARI

**XALQARO ILMIY-AMALIY ONLAYN
KONFERENSIYA MATERIALLARI**

2022 yil 4 mart



TOSHKENT -2022

Mamlakatimizda jamiyat hayotining barcha sohalarida amalga oshirilayotgan keng ko‘lamli islohotlar jarayonida respublikamiz xotin-qizlari ham faol ijtimoiy kuch sifatida ishtirok etib kelmoqdalar. “Toshkent irrigatsiya va qishloq xo‘jaligini mexanizatsiyalash muxandislari instituti” milliy tadqiqot universiteti, O‘zbekiston davlat jahon tillari universiteti O‘zbekiston xotin-qizlar “Olima” uyushmasi tadqiqot.uz xalqaro ilmiy jurnallar portali bilan hamkorlikda tashkil etilgan “Xotin-qizlarni tazyiq va zo‘ravonlikdan himoya qilishning ma‘naviy-huquqiy asoslari” mavzuidagi xalqaro miqyosidagi onlayn ilmiy-amaliy anjuman materiallaridan iborat ushbu to‘plamda xotin-qizlarni tazyiq va zo‘ravonlikdan himoya qilish sohasidagi gender siyosati, xotin-qizlarning huquqlari, erkinliklari hamda qonuniy manfaatlarining tazyiq va zo‘ravonlikdan himoya qilinishi, xotin-qizlarga nisbatan tazyiq va zo‘ravonlikning oldini olish, ularni aniqlash, ularga chek qo‘yish uchun samarali tashkiliy-huquqiy mexanizmlar, xotin-qizlarga nisbatan tazyiq va zo‘ravonlik sodir etilishiga olib keladigan sabablar hamda shart-sharoitlarni bartaraf etish choralari, tazyiq va zo‘ravonlikning oldini olish maqsadida davlat organlari, fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish organlari, nodavlat notijorat tashkilotlari va fuqarolik jamiyatining boshqa institutlari ijtimoiy hamkorligi, O‘zbekiston qonunchiligida gender tengligi va xotin-qizlar huquqlari kafolatlari kabi dolzarb masalalar, ulardan kelib chiqadigan muhim vazifalar xususida tahliliy mulohazalar bildirilgan.

Mazkur to‘plamda O‘zbekistonda yangilanish jarayonidagi islohotlarda xotin-qizlar ijtimoiy faolligini oshirish omillari, xotin-qizlarni qo‘llab-quvvatlash va oila institutini mustahkamlashda amalga oshirilayotgan islohotlar, ayollarni oiladagi tazyiq va zo‘ravonlikdan himoya qilish borasida amalga oshirilayotgan ishlar o‘z ifodasini topgan bo‘lib, o‘zining mazmun-mohiyati bilan tarbiyaviy ahamiyat kasb etadi.

Taqdim etilayotgan ushbu xalqaro miqyosidagi onlayn ilmiy-amaliy anjuman materiallari to‘plami turli soha mutaxassislari hamda keng ilmiy jamoatchilik uchun mo‘ljallangan.

Mas’ul muharrirlar:

Ismoilova Z.K. – pedagogika fanlari doktori, professor

O‘ljayeva Sh.M. – tarix fanlari doktori, professor

Djurayeva N.D. – tarix fanlari nomzodi, dosent

Ilmiy muharrir:

O‘ljayeva Sh.M. – tarix fanlari doktori, professor

Babadjanova N.A. – tarix fanlari nomzodi, dosent

Tahrir hay’ati va a’zolari:

Mamadaminova B. – tarix fanlari nomzodi, dosent

Toliboyeva N.O. – PhD, katta o‘qituvchi

Tuzuvchi:

Bazarova M.M.

“Xotin-qizlarni tazyiq va zo‘ravonlikdan himoya qilishning ma‘naviy-huquqiy asoslari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy onlayn konferentsiya materiallari (2022 yil 4 mart)

MUNDARIJA

Soʻz boshi.....	4
ТИҚХММИ - МТУ ректори, профессор, техника фанлари доктори Б.С.Мирзаевнинг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан химоя қилишнинг маънавий-ҳуқуқий асослари” халқаро илмий-амалий онлайн анжуманнинг кириш сўзи	5
Zulfiya Tursunova KEYNOTE SPEECH. ENDING VIOLENCE AGAINST WOMEN IN UZBEKISTAN: CALL FOR ACTION.....	7
Umida Hikmatilla BMT BARQAROR RIVOJLANISH MAQSADLARI VA TA'LIM MASALALARI.....	9
Нигяр Ахундова ПРИВЕТСТВИЕ.....	11

**I SHO'BA. XOTIN-QIZLARNI HIMOYA QILISH SOHASIDAGI
GENDER SIYOSATI**

Ахундова Нигяр Рашид гызы ДУХОВНО-КУЛЬТУРНЫЙ АСПЕКТ РОЛИ ЖЕНЩИН В ИСТОРИИ АЗЕРБАЙДЖАНА	13
Ауанасова Алима Мусировна ЖЕНЩИНЫ СОВРЕМЕННОГО КАЗАХСТАНА В СФЕРЕ ОБРАЗОВАНИЯ И НАУКИ.....	16
Фания Авзаловна Ахмедшина ТЕНЕВАЯ ПАНДЕМИЯ – ПАНДЕМИЯ НАСИЛИЯ В ОТНОШЕНИИ ЖЕНЩИН И ДЕВОЧЕК.....	20
Ўлжаева Шохистахон Мамажоновна ШАРАФУДДИН АЛИ ЯЗДИЙНИНГ “ЗАФАРНОМА” АСАРИДА ТЕМУРИЙ МАЛИКАЛАР ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР ВА АЁЛЛАРГА МУНОСАБАТ	24
Tamara ÖLÇEKÇİ GÜNÜMÜZDE KADIN SORUNU ÜZERİNE	29
Shakhnoza Kayumova Kakhramon qizi PROTECTION OF THE RIGHTS, FREEDOMS AND LEGITIMATE INTERESTS OF WOMAN FROM OPPRESSION AND VIOLENCE.....	30
Алимухамедова Нодира Ядгаровна ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ГЕНДЕР ИДЕНТИКЛИК МУАММОСИ.....	34
Nematova Nilufar Qayimovna AYOLLAR HUQUQLARINI XALQARO-HUQUQIY HIMOYA QILISH	39
Раззоқова Гўзал Қодировна, Маратова Гулҳаё АЁЛЛАРГА ЮКСАК ЭЪТИБОР-МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ ОМИЛИ	42
Равшанов Алишер Сайдуллаевич ЎЗБЕКИСТОНДА АЁЛЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ИЖТИМОЙЛАШУВИ	45
Yunusova Sohiba Abdusattarovna OMMAVIY AXBOROT VOSITALARIDA AYOLLAR OBRAZINI OB'ektivLASHTIRISH MUAMMOLARI.....	48
Yunusova Sohiba Abdusattarovna REKLAMA MATNLARINING GENDER XUSUSIYATLARI.....	50

3. Оила-чинакам бахт тимсоли.// “Аёллар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш марказлари” ходимлари, маҳалла маслаҳатчилари ҳамда Хотин-қизлар қўмиталари фаоллари учун қўлланма. Т.: 2016.)

4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.Т.: Ўзбекистон, 2015.17-б.

5. “Халқ сўзи” газетаси 2021 йил 9 март.

6. Ислом Каримов асарларида мамлакатимиз ёшлари ҳаётини позициясини шакллантириш ва таълим-тарбия масалалари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. Т.: “Yangi nashr”, 226-б.

ЎЗБЕКИСТОНДА АЁЛЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ИЖТИМОЙЛАШУВИ

Равшанов Алишер Сайдуллаевич

“ТИҚХММИ” МТУ ўқитувчиси

ravshanov.alisher83@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада давлат мустақиллигининг илк кундан бошлаб мамлакатимиз аёлларнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий ҳимоя қилиниши, уларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш масаласи ҳамда Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича изчил ва тизимли сиёсатнинг асосий йўналишлари, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш масалалари ўрганилган. Ўзбекистонда аёлларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашувининг тадқиқот муаммосини очиб бериш учун қўлланилган социологик тадқиқот натижалари, мақоланинг тўла мазмунида акс эттирилган.

Бугунги кунда жамиятимизда аёлларга бўлган эътибор далаат сиёсати даражасига кўтарилди. Хусусан мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб аёлларни иш билан таъминлаш, жамиятда ўз ўрнини топиш учун қўллаб қувватлашнинг ҳуқуқий кафолатлари ишлаб чиқилди. Қабул қилинган қонунларимизда аёллар ҳуқуқларига инсон ҳуқуқининг ажралмас қисми сифатида қарала бошланди. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида “Хотин-қизлар ва эркалар тенг ҳуқуқлидир” деб эътироф этилиши, мамлакатимизда аёллар жамиятимизнинг фаол аъзоси сифатида барча соҳаларда кенг қамровли иштирок этишининг ҳуқуқий кафолати этиб белгиланганидан далолат беради.

Шунингдек, давлатимизни инсон ҳуқуқлари бўйича умум эътироф этилган халқаро ҳужжатларга, жумладан 1995 18 августдаги “Хотин-қизларни камситишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенцияга қўшилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 28 майдаги “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида Гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида”ги СҚ-297-IV-сонли қарори ҳам мамлакатимизда хотин-қизлар масаласига жиддий эътибор берилаётганлигини кўрсатади. Бунда белгиландики, Гендер стратегиясини 2023-2030 йилларда босқичма-босқич амалга ошириш учун ҳар йилда алоҳида-алоҳида комплекс чора-тадбирлар дастурлари тасдиқланади[1].

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралда “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони эълон қилинган эди. Бунга кўра мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

XOTIN-QIZLARNI TAZYIQ VA ZO'RAVONLIKDAN HIMOYA QILISHNING MA'NAVIY-HUQUQIY ASOSLARI

Айниқса таълим муассасаларида раҳбар аёлларнинг ўқув жараёни самарадорлигини ошириш соҳасидаги олиб бораётган ишлари таҳсинга сазовордир.

Аммо хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилганига қарамай, бу борадаги айрим муаммолардан кўз юмиб бўлмайди:

биринчиси, аёлларнинг спиртли ичимлик, гиёҳвандлик ва психотроп моддалар истеъмол қилишга ружу қўйиши;

иккинчиси, аёллар томонидан қонунга хилоф равишда, яъни жиноий йўл билан даромад топишни касбий фаолиятга айлантираётганликлари;

учинчиси, аёлларнинг ўзларига нисбатан ишлатилган зўрлик, яъни жисмоний жазолаш, руҳий ва маънавий озор бериш, мажбуран эркинликдан маҳрум этиш ҳаракатлари содир этилганда масаланинг ечими сифатида жиноятга қўл уруши;

тўртинчиси, аёлларнинг аёлилик хусусиятлари ва ижтимоий мақоми ҳамда жамиятда тутган ўрнидан фойдаланиш мақсадида эркаклар томонидан уларни қўрқитиш, алдаш каби таъсирлар орқали жиноят содир этишга мажбуран жалб қилиш, турли гиёҳванд ва психотроп моддаларни чегарадан ноқонуний тарзда олиб ўтишга мажбурлаш, қўпоровчилик, террорчилик ҳаракатларини содир этишга мажбурлаш ҳолатлари ачинарлидир.

Юқорида келтириб ўтилганлар ўзида бевосита аёллар жиноятчилигини юридик жиҳатдан тақиқ этишга нисбатан долзарблик аҳамиятини касб этади. Бу борада аёллар жиноятчилигининг сабаб ва шароитларини ҳамда бу йўналишда амалга ошириладиган чоратadbирлар тизимини ўрганиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш талабини ўртага ташлайди.

Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар таҳлилининг кўрсатишича, аёллар жиноятчилигининг асосий сабаблари қуйидагилар билан узвий боғлиқ:

1) уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда фаол иштироки;

2) жамиятнинг турли бўғинларида ижтимоий назоратнинг сусайганлиги, жумладан, оила ва унинг шаклланишида ўзига хос хусусиятларнинг юзага келиши;

3) жамиятда юзага келган номақбул зиддиятлар, одамлар ўртасида юзага келаётган безовталиқ ва уни келтириб чиқарувчи турли қарама-қаршилиқлар, ўзаро қасд ва душманлик ҳолатлари;

4) жамият ҳаёт тарзига зид бўлган ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, фоҳишабозлик, дарбадарлик ва тиланчиликнинг ўсганлиги.

Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан фаоллашуви, жамият ҳаётининг турли соҳаларида уларнинг иштирок этиши олдинги даврларга нисбатан сезиларли ошди.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон тарихида биринчи марта миллий парламентда аёллар сони Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди. Мамлакатимиз парламенти аёл депутатлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-ўринга кўтарилди. Ҳолбуки, – шунга эътибор беришингизни сўрайман – бундан 5 йил аввал биз бу борада 128-ўринда эдик[2] деган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев.

Бугунги кунда хотин-қизлар хокимлик, вазирлик, давлат қўмиталари, ҳукумат идоралари, Президент администрацияси кабиларда эркаклар билан тенгма-тенг меҳнат қилмоқда. 48 фоиз меҳнат ресурсларини аёллар ташкил қилади. Ишлаётганларнинг ҳам салкам ярми аёллардир. Иқтисодиётнинг турли тармоқларида бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш соҳасида банд хотин-қизлар улуши 62 фоиздан ортиқ. Республикада фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини 120 мингдан ортиғи хотин-қизлардир.

Мазкур ижтимоий фактлар ўзбек аёлининг жамиятда қатъий ижтимоий позицияга эга бўлиб бораётганлигини кўрсатиб турибди. Демак, аёллар жамият миқёсида ўз ижтимоий идентлигига эга бўлиб бормоқда. Ушбу жараёнда уларнинг хатти-ҳаракатлари, хулқ атвори ҳам ўзгариб бормоқда. Бунда улардаги ижтимоийлашувнинг сифат даражаси муҳим рол ўйнамоқда.

Ўзбекистонда мустақилликка қадар хотин-қизлар ижтимоийлашуви ўз бошидан икки оғир даврни кечирди.

Биринчиси, мавжуд феодал муносабатлар билан боғлиқ бўлган ижтимоийлашув бўлган бўлса, иккинчиси, советлар даври формал демократия ниқобидаги ижтимоийлашув ҳисобланади.

Мустақилликдан кейин ҳар иккаласи ҳам янги жамиятнинг мафкураси, кадриятлари, ижтимоий нормалари томонидан сарқит сифатида сиқиб чиқарилган бўлсада уларнинг қолдиқлари бугунги кунга қадар ҳатимизда маълум даражада иштирок этмоқда.

Ушбу сарқитларни ҳаётимиздан мутлоқ сиқиб чиқаришда хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида тенг ҳуқуққа асосланган ижтимоий муносабат ва ижтимоий муҳитни шакллантиришда 2019 йил 23 августда Республика Олий Мажлиси Сенати томонидан маъқулланган «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Президентимиз томонидан хотин-қизларга ва уларнинг ижтимоий мақомини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ҳаётга тадбиқ қилишда ижтимоий муҳитнинг, турмуш тарзи маданиятининг, миллат маданиятининг ўрни ва роли бениҳоядир.

Айнан шундай шиддат билан олиб борилаётган ислохотлар аёлларни ижтимоий ҳаётга, иқтисодий ишлаб чиқаришга, қолаверса, сиёсий соҳалардаги барча жараёнларга иштирок этишларининг ортишига олиб келди. Мазкур ҳолатларда турли хил муаммоларги дуч келмаслик учун уларни олдини олишда албатта аёлдан ҳуқуқий ижтимоийлашув талаб этилади.

Аёлларнинг ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиш орқали ижтимоийлашиб бориши ниҳоятда мураккаб жараёндир. Бунда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий тафаккур, билим, ҳуқуқий маданият, тарбия, юридик тажриба каби махсус ҳодисалар намоён бўлади. Бу жараёнда ҳуқуқий руҳият, ҳуқуқий маънавият муайян ўрин тутиши табиий. Аёлларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашувида ҳуқуқий таълим ва тарбия, тарғибот ва ташвиқот, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, миллий кадриятлар, урф-одат, анъаналар алоҳида аҳамият касб этади.

Аёлларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви масаласида социологик тадқиқот ўтқизилилиб респондентларга “Ўз фаолиятингиз давомида “Аёлларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви” деган тушунчага дуч келганмисиз?” – деган саволга респондентларнинг 11 % – “ҳуқуқий адабиётларда ўқиганман”, 64 % “биринчи бор дуч келмоқдаман”, 19% – “илмий қўлланмаларда учратганман” ва 6 % – бошқача фикрларни билдирганлар. Бу натижалар “аёлларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашув” тушунчасини нисбатан янги атама эканлигини яққол кўрсатади.

Демак, кўпчилик аёллар ҳуқуқий ижтимоийлашувни ҳуқуқни ўрганиш, билиш ва англаш билан боғлиқ жараён эканлигини қайд этади. Бу фуқароларимиз онгида ҳуқуқий ижтимоийлашувнинг моҳияти ҳақида умумий тасаввурлар мавжуд эканлигини намоён этади.

Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда аёлларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашув атамасига қуйидагича таъриф берамиз: “Аёлларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви - аёлларнинг жамиятдаги ҳуқуққа оид намунали хулқли бўлиши, ижтимоий-ҳуқуқий норма, ҳуқуқий-руҳий механизм ва ҳуқуқий кадриятларни ўзлаштириш жараёни ҳисобланади”.

Аёллар томонидан ҳуқуқий маданият андозалари, ҳуқуқий кадриятлар ва қоидаларнинг ўзлаштирилиши, ҳуқуқий меъёрлар, принципларнинг идрок этилиши унда амалдаги ҳуқуқий тизимга мослашиш ва муайян функцияларни бажариш имконини берувчи сифатларнинг шаклланишига олиб келади. Мазкур ҳолат муайян ҳуқуқий меъёрларни, ҳуқуқ ва бурчларни адо этадилар, ҳуқуқий анъана ва кадриятларни ўзлаштирадилар. Шу тариха уларда муайян ҳуқуқий билим, тажриба, ҳуқуқий онг ва маданият шаклланади. Яъни, аёлларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви ҳуқуқий соҳада бажариши лозим бўлган ролларга ўргатиш жараёнидир[3].

Аёлларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашувда яна бир муҳим жараён ҳуқуқий кадриятларни

XOTIN-QIZLARNI TAZYIQ VA ZO'RAVONLIKDAN HIMOYA QILISHNING MA'NAVY-HUQUQIY ASOSLARI

Ўзлаштиришда ўз ифодасини топади. Маълумки, “хуқуқий кадриятлар – бу инсонлар, жамият ва давлат ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишда фуқаролар томонидан эъозланадиган, кадрланадиган, уларнинг манфаатларига хизмат қиладиган хуқуқий: нормалар, ғоялар, қарашлар, институтлар, тамойиллар ва ҳодисалардир”[4]. Уларни ўзлаштириш орқали субъект мукамал даражада хуқуқий ижтимоийлашувга эришади.

Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда, аёллар хуқуқий ижтимоийлашувни хуқуқий маданиятнинг таркибий қисми сифатида баҳолаш мумкин. Бир қатор олимлар томонидан[5] хуқуқий маданиятнинг бешта таркибий қисми (хуқуқ, хуқуқий муносабатлар, юридик муассасалар, хуқуқий онг, хуқуқий хатти-ҳаракат) кўрасатилган бўлса, олтинчи унсур сифатида аёллар хуқуқий ижтимоийлашувни киритиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 28 майдаги “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида Гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида”ги СҚ-297-IV-сонли Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 07.03.2020. <https://president.uz/uz/lists/view/3435>

3. Одилқориев Х.Т. Конституция ва баркамол авлод тарбияси. –Т.: Хуқуқ ва бурч. 2010. №1. –Б. 44.

4. Якубов Ш.У. Ўзбекистон хуқуқий тизимида хуқуқий кадрият ва тамойилларнинг шаклланиши. Автореферат ю.ф.н. илмий даражасини олиш учун. –Тошкент. 2008. –Б. 12.

5. Никитин А. Что такая правовая культура? –М.: Просвещение.1988. – С. 23

OMMAVIY AXBOROT VOSITALARIDA AYOLLAR OBRAZINI OB'EKTIVLASHTIRISH MUAMMOLARI

Yunusova Sohiba Abdusattarovna
O‘zDJTU, Roman-german tarjimashunosligi
kafedrasi o‘qituvchisi

Annotatsiya: Ushbu maqolada gender stereotiplari muammosi va ommaviy axborot vositalarida ayollarni ob'ektivlashtirish muammosi muhokama qilinadi. Reklama nutqining eng umumiy tendentsiyalari aniqlanadi va ularning jamoatchilik ongining rivojlanishiga ta'siri ko'rib chiqiladi.

Kalit so'zlar: ob'ektivlashtirish, gender stereotiplari, reklama nutqi, reklama.

Jinsiylik – ayol va erkaklarning oldindan belgilab qo'yilgan va tubdan farq qiladigan ijtimoiy rollari haqidagi insonning qarashlari va g'oyalarining barqaror tizimidir. Ko'pchilik bolaligidanoq, erkak o'z oilasini himoya qilish mas'uliyati yuklangan, o'ziga xos «boquvchi», ayol – uy yumushlari bilan mashg'ul shaxs, hayot tarzini olib boruvchi va bolalarni tarbiyalovchi deb ishonishga odatlangan. Shu bilan birga, erkaklar va ayollar bajarishi kerak bo'lgan ish turi va miqdori har doim ham bir xil taqsimlanmagan. Bu erkak va ayol qanday bo'lishi kerakligi haqidagi boshqa ko'plab noto'g'ri qarashlarga olib keladi.

Jinsiylik odamlarda ruhiy va jismoniy farq borligiga ishonchni uyg'otadi. Shunday qilib, xulq-atvor modeli, intellektual qobiliyat, xarakter, axloq va hatto iste'dod - bularning barchasi, ko'plab olimlarning fikriga ko'ra, jinsi bilan oldindan belgilanadi. Shuning uchun ayollar o'zlariga nisbatan noto'g'ri tasavvurga duch kelishgan va hozir ham duch kelishmoqda. Bu gender stereotiplarining shakllanishi bilan bog'liqdir. Shu bilan birga, jinsning o'zi erkaklar va ayollarning o'ziga xos fiziologik xususiyatlariga taalluqli emas, balki ayollik yoki erkaklik bilan bog'liq ijtimoiy-madaniy